

“F.F.D., PROFESSOR MAZLUMA ASQAROVA
TAVALLUDINING 100 YILLIGI YUBILEYI
VA O’ZBEK TILSHUNOSLIGINING
DOLZARB MASALALARI”

ЭЛ АРДОҚЛАГАН ОЛИМА

И.Йўлдошев

Филология фанлари доктори, профессор.

Н.Досанов

Филология фанлари номзоди, доцент.

Ташкил

этилганлигининг 90
йиллигини нишонлашга
тайёргарлик кўрилаётган
республикамизнинг йирик
олий ўкув юртларидан
бири ҳисобланган Низомий
номидаги Тошкент давлат
педагогика университетида
илм-фанимизнинг кўплаб
буюк дарғалари меҳнат
қилишган. Мурод Шамс,
Яхё Гуломов, Фаттоҳ
Абдуллаев, Виктор
Решетов, Натан Маллаев,
Ҳакимжон Ҳомидий,
Шарифа Абдуллаева,
Шопўлат Абдуллаев,
Мақсуд Шайхзода,
Александир Боровков,
Теша Салимов, Сайдзода
Усмонов, Аюб Гуломов,
Кудрат Аҳмедов, Аъзам
Шерматов, Ҳамидjon
Ҳомидий шулар
жумласидандир. Юқорида
номлари зикр этилган
Фаттоҳ Абдуллаев, Виктор
Решетов, Александр Боровков, Теша Салимов, Сайдзода Усмонов, Аюб Гуломов
сингари буюк тилшунослардан илм ўрганиб, сабоқ олиб кейинчалик мана шу
ilm дарғалари қаторидан муносиб жой олган, бутун умрини тилшунослик
илмига ва ёшларга дарс беришга бағишлаган инсонлардан бири Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Мазлума
Асқаровадир.



Ўзбек тилшунослигининг йирик дарғаларидан бири ҳисобланган, хокисор, меҳрибон, эл ардоқлаган олима Мазлума Асқарова шу кунларда хаёт бўлгандарида табаррук 100 ёшни қаршилаётган бўлартди.

Мазлума Асқарова 1924-йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ишчи оиласида таваллуд топган.

Дастлаб бошланғич маълумотни Тошкентнинг Октябр туманидаги 38-сонли “Билим” мактабида, сўнг 53-сонли мактабда, тўлиқсиз ўрта маълумотни эса шу тумандаги А.С.Пушкин номли 32-мактабда олган. Мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Тошкент педагогика билим юртида ўқишни давом эттирган. 1937-1940 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олган. Олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатиб, ўқишни, изланишни давом эттириш учун аспирантурага қолдирилган. Аспирантурада машҳур турколог олим Александр Боровков раҳбарлигида Ленинград шаҳрида “Ҳозирги замон ўзбек тилида равишдошлар” мавзусида илмий иш олиб борган ва 1951-йилда ушбу ишни муваффақиятли ҳимоя қилган. Аспирантурада ўқиш давомида машҳур Турколог олимлар S.Ye.Малов, Н.К.Дмитриев, А.Н.Кононовларнинг маъruzalariни тинглади, улардан илмий-тадқиқот ишларининг сирларини ўрганди. Мазлума Асқарованинг педагоглик фаолияти, аслида, талабалик йиллариданоқ бошланганди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида республика мактабларида ўқитувчилар етишмаганлиги сабабли, талабалар ҳам мактабларда дарс беришга жалб қилинади, шу муносабат билан Мазлума Асқарова 1942-1946 йилларда Тошкент шаҳрининг Октябр туманидаги “Наримонов” номли ўрта мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Шу билан биргаликда ўзи таълим олаётган институтнинг, шунингдек, Тошкент юридик институтининг тайёрлов курсларида ўзбек адабиётидан маъruzalар ўқийди. 1948-йилдан эса Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлиайди. 1951-йилдан 1957-йилгача, сўнг 1964-йилдан 2007-йилларгача ўзбек тилшунослоги кафедраси мудири лавозимида фаолият юритди. Мазлума Асқарова 1963-йилда ўзбек тили синтаксисининг кам ўрганилган жиҳатларидан бири эргашган қўшма гапларнинг назарий тадқиқига бағишланган “Ҳозирги ўзбек тилида эргашиб формалари ва эргаш гапларнинг типлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ушбу ишга ўзбек тилшунослигининг машҳур олимлари Ғанижон Абдураҳмонов, Фаттоҳ Абдуллаев, Аюб Гуломовлар юқори баҳо беришган.

Агар Мазлума Асқарованинг педагоглик фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, унинг ярим асрдан ортиқ вақтни ўз ичига олганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу даврда Мазлума Асқарова талабаларга ҳозирги ўзбек адабий тили фанидан маъruzalар ўқиш билан бирга мактаб, билим юртлари ва олий ўқув юртлари учун қатор дарслик, қўлланма ва дастур ҳамда методик тавсиялар ёзди. “Ҳозирги ўзбек тили курсининг ҳажми ва мазмuni “(1954-й.), “Ҳозирги замон ўзбек тили” (1957-й.), “Ҳозирги ўзбек тилида тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар” (1961-й.), “Айrim эргаштирувчи боғловчиларнинг гапдаги роли ҳақида” (1962-й.), “Эргашган қўшма гап таркибида нисбий сўзларнинг қўлланилиши” (1964-й.) кабилар шулар жумласидандир. Олиманинг, айниқса, 1968-йилдан кейинги

фаолияти бу соҳада жуда самарали бўлган. Бу даврда ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун кўплаб дарслик ва методик қўлланмалар тайёрлаган. Жумладан, “Ўзбек тили дарслиги” (4-синф учун, 1970, 1975, 1979, 1980, 1982, 1984, 1989, 1990, 1992-йиллар; ҳаммуаллиф), “Ўзбек тили дарслиги (7-синф учун, 1972-й.; ҳаммуаллиф), “Ўзбек тили дарслиги” (8-синф учун, 1982-й.; ҳаммуаллиф), “Ўзбек тили дарслиги “(7-8синфлар учун, 1974, 1977, 1981, 1983, 1987, 1991-йиллар, ҳаммуаллиф), “Ўзбек тили” (пед. билим юртлари учун дарслик, 1976, 1989-йиллар, ҳаммуаллиф), “Ўзбек тили дарслиги” (9-синф учун, 1980-й.; ҳаммуаллиф), “Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис (университет ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун дарслик, 1961, 1965, 1987-йиллар, ҳаммуаллиф), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (1-том 1975-й.; ҳаммуаллиф), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (ИИ том, 1976-й.; ҳаммуаллиф), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (И қисм, 1980-й.; ҳаммуаллиф), “Ўзбек тили грамматикасининг практикуми” (1972, 1981-йиллар, ҳаммуаллиф) каби қатор ишлар фикримизнинг далили бўла олади.

Мазлума Асқарова Ўрта Осиё республикаларининг миллий мактабларида она тили ўқитилиш сифатини ошириш масалалари бўйича собиқ СССР Педагогика Фанлари академиясининг ялпи мажлисларида (1974, 1982, 1985, 1990-йилларда), шунингдек, Олмаота шаҳридаги (1991-й.) ва Тошкент шаҳридаги (1992-й.) илмий анжуманларда маъruzalар қилган. У Ўзбекистонда “Давлат тили ҳақида қонуннинг тайёрланиши ва жорий этилишида, унинг матбуот саҳифаларида ва турли даражадаги илмий-амалий анжуманларда тарғиб қилинишида фаол қатнашган.

Професор Мазлума Асқарова илмий фаолиятида қўшма гап синтаксисини, айниқса, эргашган қўшма гап муаммоларини тадқиқ этиш алоҳида ўрин тутади. Олима бу соҳада ярим асрдан ортиқ вақт давомида илмий изланишлар олиб борган ва бир қатор монография, рисола ҳамда илмий мақолалар яратган. Ушбу асарларинг умумий ҳажми 200 босма табоқдан ошади. “Боғловчисиз боғланган қўшма гаплар” (1955-й.), “Сабаб ва мақсад эргаш гапли қўшма гаплар” (1957-й.), “Аниқловчи эргаш гаплар” (1959-й.), “Қўшма гапнинг кўчирма гапли тури ҳақида” (1961-й.), “Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар” (1960-й.), “Эргашган қўшма гапларнинг синтактик синонимикаси” (1963-й.), “Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар” (1966-й.) каби асарлар ана шу изланишларнинг маҳсули сифатида юзага келган.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Мазлума Асқарова фақат ўзбек тили синтаксиси муаммолари билан чекланмай, туркий тиллар синтаксисининг муҳим ва мунозарали масалаларига ҳам муносабат билдирган, унинг УФАда (1956-й.), Ленинградда (1961-й.), Москвада (1954-й.), Олмаотада (1963, 1983-й.) ва Бишкекда (1962-й.) ўтказилган илмий анжуманларда қилган маъruzalari айни айни шу масалаларга бағишлиланган.

Мазлума Асқарова фаолиятида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар ҳам алоҳида ўрин тутади.

Олима фаолияти давомида 10дан ортиқ докторлик ва 30дан ортиқ номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилган. Мазлума Асқарова раҳбарлик қилган ишларида ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг тил хусусиятлари, ўзбек

тилини ўқитиш методикаси, шунингдек, ўзбек ва чет тилларининг (инглиз, немис тиллари) киёсий муаммолари алоҳида ўрин тутади.

Олиманинг шогирдлари бугунги кунда нафақат Тошкент, балки республикамизнинг барча вилоятларидағи ва қўшни давлатлардаги олий ўқув юртларида самарали фаолият олиб бориши мөқдада.

Мазлума Асқарова фаолиятига эътибор берсак, уларнинг жамоат ишларида хам жуда фаол бўлганлигини кўришимиз мумкин.

У бир неча йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти қошидаги 13.00.01 рақамли ихтисослик - “Педагогика назарияси ва тарихи” ҳамда 13.00.02 рақамли ихтисослик - “Она тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” бўйича ҳимоя кенгашига раислик қилган. Турли йилларда Ўзбекистон олий таълим вазирлиги қошидаги ўзбек филологияси ўқув методик кенгашининг аъзоси (1955-1970-й.), Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги қошидаги ўзбек филологияси ўқув методик кенгашининг раиси (1974-1990-й.), Республика педагогика институтлари ўзбек филологияси координацион кенгашининг раиси (1980-1986-й.), собиқ СССР педагогика фанлари академиясининг координацион кенгашининг аъзоси (1984-1991-й.), Россия федерацияси Таълим академияси “Социология, фалсафа, миллый тиллар” бўлими Президеюмининг аъзоси (1985-1991-й.), Ўзбекистон педагогика жамияти “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” секциясининг бошлиғи (1984-1990-й.), Қори Ниёзий номли республика педагогика фанлари илмий текшириш институтида координацион кенгаш аъзоси (1970-1992-й.) бўлган.

Профессор М.Асқарованинг фидокорона хизматлари хукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Олима 1965-йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони билан, 1965 ва 1985-йилларда Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан, 1972, 1974, 1975, 1984-йилларда Ўзбекистон халқ маорифи вазирлигининг Фахрий ёрлиги билан, 1978-йилда “Хурмат белгиси” ордени билан, 1994-йилда “Шуҳрат” медали билан, 1992-йилда эса “Мустақиллик” эсадалик нишони билан мукофотланган.

Мамлакатимизда Мазлума Асқарова номини эшитмаган, унинг мактаб дарсликлари билан тўқнаш келмаган инсоннинг ўзи йўқ. Чунки олима томонидан яратилган дарсликлар мактабларимизда 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида амалда бўлди. Бу дарсликлар ҳар бир ўзбек оиласига кириб борди ва ўтил-қизларимизга она тилимизнинг нақадар бой ва гўзаллигини, уни кўз қорачигимиздек асраш ва авайлаш зарурлигини ўргатди.

Даврлар, йиллар ўтаверади, лекин бутун умрини инсонга она сути билан кирадиган она тилимизни ўрганишга ва ўргатишга бағищлаган профессор Мазлума Асқарованинг хаёт йўли, унинг асарлари доимо эл-юртнинг ардоғида қолаверади.